

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВА ЛОЛА КАРИМОВНА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД
ВОҚЕАЛАРНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ (XVII-XIX АСРЛАР)**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological studies sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Азимова Лола Каримовна

Ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихига оид воқеаларнинг бадиий ифодаси
(XVII-XIX асрлар).....3

Azimova Lola Karimovna

Artistic expression of the events of the history of islam in the uzbek classical
literature (XVII-XIX centuries).....23

Азимова Лола Каримовна

Художественное выражение событий истории ислама в узбекской
классической литературе (XVII-XIX вв.).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

list of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВА ЛОЛА КАРИМОВНА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД
ВОҚЕАЛАРНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ (XVII-XIX АСРЛАР)**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.P111)/ҒП1252 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiauz.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рафиддинов Сайфиддин Сайфуллох ўғли,
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович,
филология фанлари доктори, профессор

Раҳмонова Зулайҳо Жамоловна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F 57.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталиқ кенгашнинг 2022 йил «10» сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (10 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440091.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» август да тарқатилди.
(2022 йил «28» июл даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Д.Р.Махсудов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталиқ кенгаш раиси, тарих фанлар доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталиқ кенгаш котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

З.М.Исламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталиқ кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ислом тарихи, унинг бадий хусусиятлари талқинига бағишланган туркий халқлар адабиётидаги диний сюжетли қисса ҳамда ҳикояларга миллий характер ва ёндашувнинг сингиб кетгани билан ажралиб туради. Бу XVII-XIX асрларда яратилган машҳур шахсларнинг фазилатларига бағишланган маноқиб (**مناقب**) ҳамда исломнинг дунё бўйлаб ёйилишида жонбозлик кўрсатган саркардаларнинг фаолияти ёритилган жангнома (**جنگنامه**)ларда яққол акс этган. Ушбу асарлар мазкур давр туркий халқлар адабиёти агиографик манбаларидаги устувор йўналишларни аниқлаш, халқ оғзаки ижодининг бадий асарларга кўчиш ходисасини ўрганишда аҳамиятли ҳисобланади.

Дунё тарихчи ва адабиётшунослари туркий халқлар адабиётида Марказий Осиёдаги ислом тарихини бадий ифодалаган асарларнинг тарихий аҳамияти ва жанр хусусиятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Тарихчилар ҳазрат Али, Қусам ибн Аббос, Ҳажжож ибн Юсуф, имом Хусайн, Саййид Баттол Ғозий ва бошқаларнинг дин тарғиботи йўлидаги қаҳрамонликларини тарихий аспектда тадқиқ этаётган бўлсалар, адабиётшунослар туркий тиллардаги қисса, ҳикоя, дostonларнинг бадий хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратмоқдалар. Ислom тарихи ва машҳур шахслар жасоратига бағишланган “маноқиб” ва “қисса”ларнинг ҳам тарихий, ҳам бадий хусусиятларини жамлаган изланишлар яратилмаган. Бундай асарлар маъно-мазмуни, услуби ҳамда ғоявий жиҳатларининг тадқиқ этилиши мазкур соҳа ривожига хизмат қилади.

Учинчи Ренессанс пойдевори кўйилаётган янги Ўзбекистонда диний-бадий асарларнинг илмий-амалий аҳамияти, мазмун-моҳияти, ғоявий-тарбиявий жиҳатларини ёритишга ва нашрларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида: “Равзат уш-шуҳадо”, “Сафед Булон қиссаси”, “Ҳазрат Али қиссалари”, “Қиссаи Зуфунун” каби ислом тарихига оид воқеалар бадий ифодаси ҳисобланган асарлар нашр этилди. Диний сюжетли асарлар сирасига кирувчи XVII-XIX асрлар қиссачилик ривожига туртки бўлган ислом тарихи воқеаларини бадий ифодалаган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари илмий таҳлил ва талқинини бериш ушбу соҳадаги изланишларнинг янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2909-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек шарқшунос олимларидан С.Рафиддинов, М.Ҳасаний, Н.Абдулаҳатов, Б.Саримсоқов, А.Чориев, З.Жўраев, Э.Ҳайитбоев томонидан ислом тарихи бадиий ифодаланган асарлар нашр этилган¹, ушбу асарлар юзасидан маълумотлар эълон қилинган². Шунингдек, Собир Сайқалий, Холис Тошкандий, Жаҳон отин Увайсий каби ижодкорларнинг мероси бўйича диссертация ишлари ёзилган бўлиб, уларда кўпроқ ўрганилаётган мавзунинг умумий жиҳатларига ҳамда мероснинг муайян қисмини таҳлил этишга эътибор қаратилган³.

Рус ва ғарб шарқшунос олимларидан: Е.А.Беляев, С.М.Марр, В.В.Бартольд, Е.Бертельс, Э.А.Массэ, И.А.Петрушевский ва бошқалар ижодида тадқиқотнинг фақатгина ислом тарихига оид қисми илмий таҳлилга тортилган⁴.

Араб, форс ва турк шарқшунос, исломшунос, адабиётшунос олимлардан:

¹ Сайқалий С. Равзат уш – шуҳадо / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифлари С. Сайфуллох, Д. Хунзекр. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004; Бакир Ю. Карбало фожиаси ёхуд золимлар, мўминлар ва қасоскорлар. – Т.: Чўлпон, 2002; Имом Ҳасан ва Имом Хусайн қиссаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003; Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби / Нашрга тайёрловчи А. Чориев – Т.: Шарқ, 1996. Холис-Шоҳ Ҳаким. Сафед Булон қиссаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994; Бувайда зиёратгоҳлари (“Биби Убайда ёхуд Сафед Булон қиссаси” асосида) / Нашрга тайёрловчи Н. Абдулаҳатов ва бошқалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2013; Ҳазиний юрти. Абдулаҳатов Н ва бошқ. – Т.: Янги аср авлоди, 2010; Иброҳим Адҳам қиссаси; Амири Аҳтам қиссаси; Бобо Равшан қиссаси: /Тўплам // Сўз боши Б.Саримсоқовники; Масъул муҳарр., луғат ва изоҳлар муаллифи С.Рафиддинов. – Т.: Ёзувчи, 1991. (Халқ китоблари); Ҳазарат Али ҳақида қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Рафиддинов. – Т.: Фан, 1992; Жўраев З., Масалиева О. Заркентдаги авлиё ота. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015; Ҳайитбоев Э. Заркент ёхуд Фарғона водийси тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ, 2009; Абдуқаюм Ваҳмий. Достон ва ғазаллар. Мутабдил Ибриқ Кувойи. Фарғона нашриёти, 2001.

² Довуд Хунзекр. Карбало воқеаси ва ўзбек адабиёти // Филология масалалари. 2003. – № 3; Соипов С. Қиссаи Сайқалий достони қўлёзмалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – № 6; Эшонова С. Нисо ва Хоний ижодида “Карбаломна” // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – № 1; – Б. 75-79. Ўраева Д. Ашуро маросими // Сино, 2004. – № 16. Исмоилов Х. Увайсийнинг “Қиссаи пур ғусса” асари қўлёзмаси // Адабий мерос, 1983. – № 3. – Б. 72-74. Иброҳимова Э. Увайсий достонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1960. – № 6. – Б. 41-44; Марғилон саййидлари тарихидан/ Тузувчи Н.Юсупова. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – 172 б; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1980. – Б. 6-32; Абдуллаев В, Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. – Т.: Фан. 1978. – Б.76; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. –Т.: Фан, 1974; Ш.Қулматов, А. Бердимуродов. Самарканд ёдгорликлари. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2017. – 260; Пўлатжон Домулла Қайюмий. Тазкираи Қайюмий, - Т., 1998; Ўзбек адабиёти хрестоматияси. –Т.: 1945. 2-том.

³ Соипов С. “Қиссаи Сайқалий” асари қўлёзма нусхаларининг қиёсий текстологик тадқиқи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2006. Равшанов Ф. Холис ва унинг адабий мероси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарканд. 1997; Алиев Р. Собир Сайқалий ва унинг «Баҳром ва Гуландом» достони. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. –Т., 1964.

⁴ Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннем средневековье. – М.: Наука, 1960; Марр. С.М. Мохаррам. Традиционная культура народов передней Азии. – Ленинград.: 1970; Бартольд В. В. Работы по истории ислама и Арабского халифата// Сочинения в 9 томах. Т.6. - М.: Наука, 1966; Бертельс Е. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988; Массэ А. Ислам, ИВЛ, - М., 1961; Петрушевский И.А. Ислам в Иране VII-X в. – М.: 1966; Босворт К.Э. The Islamic dynasties, a chronological and genealogical handbook. Edinburgh University Press, 1967 (Islamic Surveys, 5); Margoliouth, D.S. Mohammed and the rise of islam. (3d ed.). New York. The Knickerbocker press, 1905. – p. 590.

А.Ҳамадоний, Ҳ.Бадриддин, Р.Шерозий, А.Табарий, Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий, Аҳмад бин Исҳоқ Якубий ва бошқалар имом Ҳусайн ва Саййид Баттол Ғозий фаолиятини тарихий, илмий-бадий аспектда тадқиқ этганлар⁵. Мазкур асарларни араб, форс ва турк адабиёти маҳсули сифатида қараш мумкин. Ўзбек мумтоз адабиётида юзага келган ислом тарихига оид воқеаларни бадий ақс эттирган асарлар ўзига хос миллий адабиёт маҳсули сифатида яхлит тарзда ғоявий, бадий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Марказий Осиё мутафаккирлари асарлари асосида бузгунчи ғояларга қарши маърифий, тарбиявий кураш асосларини ўзида жамлаган мультимедия дастури ҳамда мобиль иловасини яратиш” (ФЗ-202002146) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбек мумтоз адабиётида мавжуд ислом тарихи воқеалари бадий ифодаланган асарларнинг бадий хусусиятларини қўлёзма ва тошбосма манбалар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ислом тарихига оид асарларнинг манбавий таҳлилини бериш ва тадқиқот усулларини кўрсатиш;

XVII-XIX асрларга оид ислом тарихи бадий ифодаланган асарларни таснифлаш орқали очиб бериш;

Собир Сайқалий ва Жаҳон отин Увайсий асарларида ислом тарихи воқеалари таҳлилини кўрсатиш;

Холис Тошкандий ва Абдуқаюм Ваҳмий ижодида ислом тарихи воқеаларининг ёритилишини аниқлаш;

халқ қиссаларида ислом тарихи воқеаларининг бадий ифодаси масаласини очиб бериш;

⁵ Аҳмад Собирий Ҳамадоний. Адаб ул-Ҳусайн ва ҳамасатуҳу. Чоп-э дуввум. – Кум: Муассаса ан-нашр ал-ислами, 1407. – С. 231; Ҳусайн Бадриддин. Аз замин-э Карбало то Арш чандин роҳ нест. Чоп-э аввал. – Техрон: Энтэшорот-э Маҳтоб, 1380. – С. 351; Ризо Шерозий. Аз Мадина то Карбало: Достон-э зиндагий имом Ҳусайн. Чоп-э ҳафтум. – Техрон: Энтэшорот-э паём-э озодий, 1376. – С. 160; Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарихи ат-Тобарий. Лейден. 1879-1901; Абдулмалик ибн Хишом ал-Маъофирий. Ас-Сийра ан-Набавийя. 2 жилдли. Таржимонлар: Иброҳимов Н. ва бошқ. –Т.: Шарқ, , 2011; Аҳмад бин Исҳоқ Якубий. Тарихи Якубий. – Техрон: 1387. II жилд. – С. 178-302. Араб тилидан Муҳаммад Иброҳим таржимон – С. 178-302; Кўнрапа З. Алвидо, дунё! Ассалом охират! / Мутаржим Абдумурод Холмурод ўғли. 3-китоб. – Т.: Шарқ, 1996; Mehmet B. Battal Gazi destani'nda göndergeler ve anıştirmalar üzerine bir deęerlendirme //Uluslararası Türkçe Edebiyat Kültür Eđitim (TEKE) Dergisi. – 2015. – Т. 4. – №. 1. – С. 465-490; Turmuş M. Battal Gazi ve Azerbaycan kahramanlık destanları //Motif Akademi Halkbilimi Dergisi. – 2010. – Т. 3. – №. 6. – С. 65-73; Ciciođlu M.N. Kirgiz türkçesiyle yazılmış olan Seyyid Battal Gazi destani üzerine bir inceleme //Electronic Turkish Studies. – 2013. – Т. 8. – №. 4. –С. 427-440; Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi.– İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayinlari, 1992. Cilt 5. – S. 204-205; Bars M. E. Türk destan kahramani tipi bağlamında Battal Gazi //Journal of International Social Research. – 2015. – Т. 8. – №. 36. – С. 7-20; Mustafa Özçelik. Seyyid Battal Gazi. – Ankara “Eskişehir valiliđi”, 2009. – С.151; Şadı Meddâh. Kербela Hadisesi, Maktel-i Hüseyin. Т.С. Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı. – İstanbul. 2015. 483 s; Fidan İ. Kerbelâ'yı Yaşamış Şiirler:“Hz. Hüseyin” ve “Öteki” Portreleri Yönüyle Kerbelâ Olayının Arap Şiirindeki İlk Yankıları //Mütefekkir. – 2017. – Т. 4. – №. 7. – С. 96-123; Özil S. Maktel-i Hüseyinler ile Alakalı Bir Bibliyografya Denemesi //Türk Kültürü ve Hacı Bektaş Veli Araştıрма Dergisi. – 2017. – №. 83. – С. 31-48.

асарлардаги тарихий воқелик ва бадиий сюжет муносабати масаласини аниқлаш;

ислом тарихига оид асарларда қўлланилган бадиий тасвир воситаларини ёритиб бериш;

ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган асарларда инсонпарварлик ғоялари талқини масаласини очиб бериш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объектини XVII-XIX асрларда яратилган ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида XVII-XIX асрларга оид ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган асарлар ва уларнинг бадиий хусусиятлари масаласи белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, кузатиш, таққослаш, тарихий ёндашув ҳамда герменевтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVIII-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихига оид қиссалар ва воқеалар баёнида таъсирчанликни таъминлаш ҳамда нисбатан осон ёдланувчи маснавий жанридан кенг фойдаланиш анъанасининг шаклланиши Собир Сайқалий, Жаҳон отин Увайсий, Холис Тошкандий ҳамда Абдуқаюм Ваҳмийнинг мазкур йўналишдаги 7 та асари таҳлили воситасида очиб берилган;

“Сайид Баттол Ғозий”, “Қиссаи имом Ҳусайн”, “Қиссаи Карбало” каби XVII-XIX асрларда мавжуд бўлган араб ва форс-тожик тилидаги қиссалар ижодкорлар томонидан ижодий ёндашув асосида таржима қилиш ёки тарихий воқеалар сюжетини қайта ишлаш жараёнида уларга туркий халқлар характер-хусусиятларини сингдириш орқали ўзбек адабиётининг мазкур даври бадиий асарлар билан бойиганлиги аниқланган;

Холис Тошкандий Қусам ибн Аббос, Жарир ибн Муҳаммад ва Шоҳ Фазл номи билан боғлиқ “Шоҳизинда” (شاه زنده), “Сафед Булон” (سفید بولان) ҳамда “Шоҳ Фозил” (شاه فاضل) зиёратгоҳларига халқнинг ихлоси юқори бўлганлигини англаган ҳолда халқона услубда “Қиссаи Қусам ибн Аббос” ва “Қиссаи шоҳ Жарир” асарларини ёзганлиги сабабли уларнинг халқ орасида машҳур бўлишига ҳамда шахсий кутубхоналарда кўплаб нусхалари сақланишига олиб келганлиги исботланган;

пайғамбарлар ва ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар баёнига бағишланган китобларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида “Ҳақиқий мусулмон тили ва қўли билан озор бермас” ва “Агар одам икки минг йил умр кўрса ҳам охири ўлмоқдир” каби ҳадис ва насихатомуз сўзлар қаҳрамоннинг ўзлаштирма гапи сифатида қўлланилгани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

XVII-XIX асрларга оид ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган 14 та асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари аниқланиб, улар турли билим ва савияда ёзилганлиги ҳамда асарларнинг вужудга келишида кўпроқ халқ орасида мавжуд тарихий шахслар фаолияти билан боғлиқ ривоятлар асос қилиб

олинганлиги ёритилган;

Ўзбек мумтоз адабиётида XVIII-XIX асрлар қиссачилик жанрининг такомиллашувида Собир Сайқалий, Жаҳон отин Увайсий, Холис Тошкандий, Абдуқаюм Ваҳмий сермахсул ижод қилганлиги, улар ижодида пайғамбарлар, саҳобалар, тарихий шахслар халқ орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган образ сифатида талқин этилгани асосланган;

ислом тарихига оид воқеаларни бадиий ифодалаган қиссаларнинг баъзилари тарихий объектлар номи билан боғлиқ бўлган халқ орасида мавжуд ривоятлар асосида юзага келганлиги ва асарлар халқ эҳтиёжи асосида кўплаб нусхаларда кўчирилгани ҳамда бугунги кунга қадар дидактик характердаги ижод намуналари сифатида одамлар орасида мутолаа қилиниши ёритиб берилган;

Ўзбек адабиётида мавжуд ислом тарихи воқеаларини бадиий ифодалаган туркий кўлёзма асарларнинг бадиий хусусиятлари, мазмун-моҳияти, услуби, ғоявий жиҳатлари илк бор таҳлил этилиб, илмий-назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихини бадиий ифодалаган ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги кўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда мавзуга оид илмий тадқиқотлар таҳлил қилинганлиги, тадқиқотнинг асосий қисмини ёритишда республика фондларида сақланаётган кўлёзма ва тошбосма асарлар ҳамда ўрганилаётган даврдаги бадиий асарлар ҳамда замонавий илмий тадқиқотлардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиётида мавжуд ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган 14 та асар тадқиқи орқали қилинган илмий умумлашма ва назарий хулосалар илмий лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда соҳага оид илмий-тадқиқот ишлари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан ўзбек мумтоз адабиёти, адабиёт тарихи, тарбия фанлари бўйича ўқув қўлланмалар яратишда, махсус курслар ташкил этишда ҳамда соҳага оид фанларнинг маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихига оид воқеаларнинг бадиий ифодаси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XVIII-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихига оид қиссалар ва воқеалар баёнида таъсирчанликни таъминлаш нисбатан осон ҳамда ёдланувчи маснавий жанридан кенг фойдаланиш анъанасининг шаклланиши Собир Сайқалий, Жаҳон отин Увайсий, Холис Тошкандий ҳамда Абдуқаюм Ваҳмийнинг мазкур йўналишдаги 7 та асари таҳлили воситасида очиб берилгани хусусидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Имом Термизий”, “Ҳаким Термизий” ва “Самандар Термизий” каби китоблар

мазмунига сингдирилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 21 июндаги 01-07/132-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг диний сюжетли асарларга қизиқишининг ошиши ҳамда уларда етарлича кўникма ҳосил бўлишига хизмат қилган;

“Сайид Баттол Ғозий”, “Қиссаи имом Хусайн”, “Қиссаи Карбало” каби XVII-XIX асрлардаги араб ва форс-тожик тилидаги қиссалар ижодкорлар томонидан ижодий ёндашув асосида таржима қилиш ёки тарихий воқеалар сюжетини қайта ишлаш жараёнида уларга туркий халқлар характери, хусусиятларини сингдириш орқали ўзбек адабиётининг мазкур даври бадиий асарлар билан бойиғанлиги хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида нашр этилган “Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирлари энциклопедияси” номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2022 йил 11 майдаги 02-03/3659-сон маълумотномаси). Натижада, назарий маълумотлар олиш баробарида, ўқувчиларга соғлом эътиқод ва бағрикенглик ғояларини сингдиришга эришилган;

Холис Тошкандий Қусам ибн Аббос, Жарир ибн Муҳаммад ва Шоҳ Фазл номи билан боғлиқ “Шоҳизинда” (شاه زنده), “Сафед Булон” (سفید بولان) ҳамда “Шоҳ Фозил” (شاه فاضل) зиёратгоҳларига халқнинг ихлоси юқори бўлганлигини англаган ҳолда халқона услубда “Қиссаи Қусам ибн Аббос” ва “Қиссаи шоҳ Жарир” асарларини ёзганлиги сабабли уларнинг халқ орасида машҳур бўлишига ҳамда кўплаб шахсий кутубхоналарда сақланиб қолинишига олиб келгани исботлангани хусусидаги илмий хулосалардан “Ўзбекистон – бағрикенг диёр” номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 28 апрелдаги 02/218-сон маълумотномаси). Натижада, илмий-назарий билимларни шакллантириш баробарида, шарқ мумтоз асарлари ҳақида бирламчи маълумотларни олиш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этган;

пайғамбарлар ва ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар баёнига бағишланган китобларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида, “Ҳақиқий мусулмон тили ва кўли билан озор бермас” ва “Агар одам икки минг йил умр кўрса ҳам охири ўлмоқдир” каби ҳадис ва насиҳатомуз сўзлар қаҳрамоннинг ўзлаштирма гапи сифатида қўлланилгани очиб берилгани хусусидаги илмий хулосалардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” ва “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” номли туркум кўрсатувлар сценарийларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 09 июндаги 02-40-988-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувлар мазмунининг назарий жиҳатдан ҳамда илмий далиллар билан янада бойитилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 та халқаро анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда) ва 1 та рисола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 8 та фаслни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Ўзбек мумтоз адабиётида ислом тарихига оид манбаларни тадқиқ этишнинг илмий-назарий масалалари”** деб номланиб, унинг илк фасли *“Ислом тарихига оид асарларнинг манбавий таҳлили ва тадқиқот усуллари”* масаласига бағишланган. XVII-XIX асрларда ислом тарихи бадиий ифодаланган асарларнинг ўзбек адабиётида юзага келишига икки манбавий жиҳат асос бўлганлигини таҳлиллар жараёнидан билиш мумкин:

1. Имом Бухорийнинг *“ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”* ҳадислари, дастлаб туркий тилда яратилган пайғамбарлар тарихига бағишланган Бурҳониддин Рабғузийнинг *“Қисаси Рабғузий”* асари ҳамда Хусайн тарихига бағишланган Хусайн Воиз Кошифийнинг *“Равзат уш-шухадо”* ва қисман, Фахриддин Али Сафийнинг *“Латофатнома”* форсий асари, Муҳаммад Фузулийнинг *“Ҳадиқат ус-суадо”* насрий асари, кейинги даврда, Сўфи Оллоёрнинг *“Сабот ул-ожизин”*, Бобораҳим Машрабнинг *“Мабдаи нур”*, Ҳувайдонинг *“Роҳати дил”* каби бадиий асарлар билвосита манба вазифасини ўтаган.

2. Халқ орасида ўқиб келинган тарихий шахслар фаолияти бадиий ифодаланган форс-тожик тилидаги *“Мулҳақот ус-Суроҳ”*, *“Жомий ул-хутут”*, *“Ажойиб ул-махлуқот”*, *“Канз ул-ғаройиб”*, *“Сайри кабир”*, *“Мисбоҳ”*, *“Айвони ризо”*, *“Қисас ул-анбиё”* ҳамда Абулмухтафи аш-Шомийнинг *“Жангномаи Сайид Баттол Ғозий”* каби асарларга мурожаат қилинганлигини муаллифлар келтирган маълумотлар орқали билиш мумкин.

Ислом тарихини бадиий ифодалаган асарлар истиқлолга қадар, фольклоршунослик нуқтаи назаридан халқ китобларининг бир қисми сифатида қаралиб, кўпроқ дунёвийлик жиҳатлари таҳлилга тортилган, умумий ҳолда

қисқа маълумотлар билан чекланилган бўлса, кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда, бевосита мавзу ичига кириб бориш, диний жиҳатларини холис таҳлил ва талқин этиш, анализ, синтез қилиш, кузатиш, таснифлаш, қиёсий-типологик, текстологик ҳамда герменевтик методлар асосида ўрганиш, адабий манба сифатида объектив баҳо бериш ҳолатлари кузатилади. Айниқса, диний мазмундаги асарлар, кўпроқ, қиёсий-типологик, текстологик таҳлил ва герменевтик талқин методлари асосида тадқиқ этилмоқда. XVII-XIX асрларда юзага келган ислом тарихига оид асарлар шу вақтга қадар умумий тарзда (муаллиф ёки асар нуқтаи назардан) ўрганилган бўлиб, яхлит тарзда комплекс тадқиқ этилмаган. Шунингдек, дин тарғиботчиси бўлган тарихий шахслар ва уларнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти тарихийлик тамойили асосида тадқиқ этилган, аммо уларнинг адабий образ, бош қахрамон ва халқ идеали сифатидаги ҳаракати бадиийлик нуқтаи назардан етарлича ёритиб берилмаган. Бундан ташқари, ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган адабий манбалар қўлёзма фондларида талайгина бўлиб, имкон қадар, XVII-XIX асрларга оид ислом тарихи воқеалари бадиий ифодаланган асарлар ўрганилиб, ишга жалб этилди ва эмпирик-назарий тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда мавзу очиб берилди. Мавзунини тадқиқ этишда холислик тамойилига амал қилинган ва объектив ёндашилиб, адабиёт тарихи, адабиётшунослик, манбашунослик нуқтаи назардан таҳлил ва тасниф этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли *“Ислом тарихига оид воқеалар бадиий ифодаланган асарлар таснифи”* деб номланиб, унда ўзбек мумтоз адабиётидаги мавжуд ислом тарихига оид асарларнинг мазмун-моҳияти, характер-хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг таснифи берилган ва таҳлилга тортилган.

Ўзбек адабиётида ислом тарихи бадиий ифодаланган асарлар, асосан, XVIII-XIX асрларда кўп ёзилган бўлса-да, аммо XVII асрда яратилган насрий ва назмий асарлар ҳам ислом ғояларидан айро эмаслигини кўрсатади. Чунончи, XVII асрларда ёзилган назмий асарларда ислом тарихидаги воқеа ва шахсларни эслаш, ибрат сифатида келтириш, улар фаолиятини қисман ёритиб ўтиш ҳолатлари кузатилади. Бу, шу даврларда ижод қилган Сўфи Оллоёр (1644-1724) ва Бобораҳим Машраб (1640-1711) ижодида кўзга ташланади. Хусусан, Сўфи Оллоёр *“Сабот ул-ожизин”* асарида *“Ҳикояти Ҳажжож”*ни келтириб, тарихий шахс Ҳажжож сифатини бадиий тасвирлаган бўлса, Бобораҳим Машраб эса, ўз лирик меросида имом Ҳусайн фожеаси ҳамда Карбало даштидаги қонли воқеликни лирик қахрамон руҳий ҳолатига ҳамоҳанг тарзда бадиий ифодалаган. *“Мабдаи нур”* асарида келтирилган ҳикояларда ҳам пайғамбарлар тарихи, саҳобалар, тарихий шахслар ҳаёти ва воқеалари сўфиёна қарашлар асосида бадиий ифодаланган.

Ўзбек мумтоз адабиётида XVII-XIX асрларга оид ислом тарихини бадиий ифодалаган асарларнинг мазмун-моҳияти, характер-хусусиятига кўра, икки хил таснифини бериш мумкин. Хусусан:

1. *Ислом тарихи воқеалари бадиий акс этган асарлар.* Мазкур турдаги асарларда Уҳуд, Ҳайбар фатҳи, Карбало тарихи ҳамда ислом дини тарғиботи учун Мовароуннаҳрга келган ислом тарихида машҳур шахслар, саркардалар,

жумладан, Муҳаммад (с.а.в.) яқинларидан бўлган Қусам ибн Аббос (тахм. 624-677), Жарир ибн Муҳаммад⁶нинг фаолияти, хатти-ҳаракати ва жангу жадаллари қаламга олинган. Бу борада, Холис Тошкандийнинг “Қиссаи шоҳ Жарир”, “Зевар шоҳ ва Қусам ибн Аббос” (XIX аср) ва муаллифи номаълум “Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али”да келган баъзи ғазотлар ҳамда “Ҳикояти Амир Ҳамза” (XIX аср охири) қиссасини тилга олиш мумкин. Шунингдек, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн тарихини бадиий ифодалаган: Собир Сайқалий (XVIII аср)нинг “Равзат уш-шуҳадо”, Жаҳон отин Увайсий (1779-1845)нинг “Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн”, Холис Тошкандий (XIX аср)нинг “Имомлар қиссаси” асарлари ҳамда таржима қилиш ёки улар таъсирида юзага келган “Мусибатномаи туркий”, “Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби”нинг “Ҳазрати Султон тарихи” қисми⁷, “Қиссаи имом Ҳусайн”, “Қиссаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” ва “Қиссаи Карбало” номлари остида сақланаётган қиссаларни айтиш мумкин. Бу борада, XX аср бошларида Нисо (1879-1966) “Вафотномаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” ва Мирзахон Хоний (1884-1967) “Воқеаи оилаи Карбалойи пурбало” номли асарлар ҳам битганлар⁸.

2. *Ислом тарихидаги машҳур шахслар фаолияти бадиий ёритилган асарлар.* Мазкур типдаги асарларда, асосан, тарихий шахслар фаолияти, уларнинг қаҳрамонлиги, жанговор сифатлари қаламга олинган. Бунда, ислом тарихидаги воқелик тасвиридан кўра, тарихий шахслар фаолияти, мардонавор ҳаракатларини бадиий ёритиш устун эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, Абдуқаюм Ваҳмийнинг “Саййид Жаъфар Ғозий” ва “Ҳафт ғазот” (XIX аср), Мирийнинг “Қиссаи Салим Жавҳарий” (XIX аср) ҳамда муаллифи номаълум “Ҳикояти Ҳажжож ва Муҳаммад Боқир”, “Ҳикояти имом Муҳаммад Ҳанифа” (ёки “Зайнулараб”), “Жангномаи Зуфунун”, “Жангномаи ҳафт ғазоти Ҳазрат Али”, “Жангномаи Саййид Баттол Ғозий”, “Ҳазрат Али қиссалари” (XIX аср охири) кабиларни келтириш мумкин.

Ўзбек адабиётидаги мавжуд ислом тарихига оид асарлар қиёсий ўрганилиб, характер-хусусияти ёритилганда, улар туркий тилда юзага келган ўзига хос ижод намуналари эканлиги ва минтақамиздан етишиб чиққан туркийзабон ижодкорлар ижодий устахонасида бадиий баркамолликка етганлигини кўриш мумкин. Ҳатто халқ қиссаларининг 50 дан ортиқ туркий кўлёмаларининг республика фондларида турли номларда мавжудлиги ва XIX аср охири – XX аср бошларида бир неча бор китобат қилиниши халқнинг мазкур руҳдаги асарларга қизиқиши юқори бўлганлиги билан характерланади.

“Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин мутаносиблиги” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фасли *“Собир Сайқалий ва Жаҳон отин Увайсий асарларида ислом тарихи воқеалари таҳлили”* масаласига бағишланган. Ўзбек адабиёти араб, форс, турк тилида юзага келган диний мазмундаги асарлар

⁶ Йили аниқ кўрсатилмаган, фақат Усмон ибн Аффон даврида Ўрта Осиёга келганлиги тилга олинади. Қаранг: Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўзбоши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон, 2012

⁷ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир моноқиби. – Тошкент: Шарк, 1996. – Б. 48-175.

⁸ Эшонова С. XX аср бошларидаги Қўқон шоирлари (Нисо ва Хоний). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. –Т.: 2006. – Б.11

таъсирида янада бойиган ва бу асарлар туркий тилли ижодкорларни илҳомлантириб, кўплаб насрий ва назмий асарларнинг юзага келишига сабаб бўлган. XVIII аср ўзбек адабиётининг забардаст ижодкорларидан бири Собир Сайқалий (1730-1798) бўлиб, унинг “Равзат уш-шуҳадо” (ёки “Қиссаи Сайқалий”) шеърий достони имом Хусайн тарихи юксак бадиий савияда ёритилган ва бадиий ифода жиҳатдан энг мукаммал асар ҳисобланади. Собир Сайқалий ўз қиссасини икки дафтар (китоб, қисм)га бўлиб баён этган. Муаллиф пайғамбарлар ҳаётидаги фожеаларни Хусайн фожеасига шу даражада уйғунлаштирадигани, бу ўзига хос услуб воқеликнинг янада ўқимишли чиқишини таъминлаган. Ижодкор Муҳаммад (с.а.в.) ва ул зот авлоди ҳаётидаги фожеаларни энг дардли воқелик сифатида баҳолаган ҳамда ислом тарихида бундан ортиқ фожеа бўлмаганлигини ҳар бир тасвирда бадиий ифодалаб кетган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, тахминан 1779-1845 йилларда Марғилонда яшаб ижод этган Жаҳон отин Увайсий ҳам ўтган салафларга эргашиб, Муҳаммад (с.а.в.) ва ул зот хонадонига чексиз ҳурмат ҳамда муҳаббатининг рамзи сифатида имом Ҳасан ва имом Хусайн тарихига бағишланган “Қиссаи пур ғусса” ёки “Имом Ҳасан ва имом Хусайн” (ёки “Карбалоннома”) ҳамда “Шаҳзода Хусайн” номли дostonлар ёзган. Имом Хусайн тарихига бағишланган дoston “Китоби Увайсий” номи остида бир неча бор литография усулида нашр этилган. Ижодкор ҳар икки тарихий шахс фожеаси учун алоҳида дostonлар битган. Ҳар икки дoston ҳам ҳамд, наът ва чаҳорёрлар таърифи билан бошланиб, шаҳзодаларнинг фожеали ўлими билан якун топган. XIX асрда яратилган шу руҳдаги қиссалардан фарқли равишда, давр нотинчликлари, ўзаро низолар, урушлар ва бу урушларда ёлғиз ўғлининг ҳалок бўлиши шоира руҳиятига кўчган ҳолда дostonда бадиий инъикос топган. Бухоро амири Насрулло томонидан Нодира, унинг икки ўғли ва набирасининг ваҳшийларча қатл қилиниши гўё Хусайн ва унинг фарзандлари ўлими билан қиёсий олинган ҳолда муштарақлик касб этган. Таъкидланганидек, Увайсий воқеликка “она” образидан туриб ёндашган. Дostonларда она тилидан келтирилган марсиялар гўё ўз ҳаёти ва замонаси фожеликларига нисбатан айтилган ҳасратли ноладек янграйди. Шоира эпик меросининг таъсир кучи ва ўзига хослиги ҳам ана шу жиҳатларда кўринади.

Собир Сайқалий ижодида ислом тарихи кенг қамровли ва юксак бадиий савияда қаламга олинган бўлиб, тасвирда реаллик, ифодада бетакрорлик юқори аҳамият касб этса, Увайсий асарида эса, халқ руҳига яқинлик, тасвирда соддалик, ифодада халқона услуб яққол кўзга ташланади. Ҳар икки ижодкор ҳам ислом тарихидаги воқеаларни ўз ижодий тажрибаси, дунёқараши ҳамда муайян даражада ўз даврининг ижтимоий-сиёсий вазиятидан келиб чиқиб ёндашган ва бадиий талқин этган.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли “*Ҳолис Тошкандий ва Абдуқаюм Ваҳмий ижодида ислом тарихи воқеаларининг ёритилиши*” деб номланган. Халқ орасида мавжуд қиссаларга энг кўп мурожаат этган Ҳолис Тошкандий ва Абдуқаюм Ваҳмий бўлиб, улар адабий меросида халқ ижоди намуналари ўзига хос тарзда бадиий талқин этилган. Хусусан, Ҳолис Тошкандий ислом дини

тарғиботи учун Ўрта Осиёга келган Қусам ибн Аббос ва Жарир ибн Муҳаммад фаолиятини бадий ифодалаган бўлса, Абдуқаюм Ваҳмий эса, ислом тарихида машҳур шахслар бўлган – ҳазрат Али, Саййид Баттол Ғозий қаҳрамонлигини ёритиш ва бу орқали ислом тарихи воқеаларини содда услубда халққа етказиш мақсад қилинган. Ҳар икки ижодкор ҳам халқ ижодидан таъсирланган, тарихий шахслар ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ ривоятларга таянган ва ўз ижодий тажрибаси асосида ўз давридаги ижтимоий-сиёсий вазият, давр рухидан келиб чиқиб, асарлар ғоясини белгилаганлар.

Тахминан 1778-1780 йилларда таваллуд топган Холис Тошкандий ислом тарихининг турли мавзуларида қалам тебратган ижодкор. Унинг “Қиссаи Шоҳ Жарир”, “Зевар шоҳ ва Қусам ибн Аббос” ҳамда “Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” номли тарихий-жангнома қиссалари мавжуд. Хусусан, “Шоҳ Жарир қиссаси” маснавийда ёзилган бўлиб, тахминан 5552 мисрани ташкил этади. Қўлёзмаларда мисралар сони қисман фарқ қилади. Асар Аллоҳ зикри билан бошланиб, Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалар ҳам бир қадар тилга олинган. Асосий воқеаларда Жарирнинг Фарғона шаҳарларида оташпарастрларга қарши олиб борган ҳаракатлари тасвирланган. Муаллиф воқеаларни кенг доирада ёритади ва асарни Жарир қаҳрамонликлари билан яқунламайди. Балки эзгулик ҳамиша ғалаба қилишини, унинг фарзанди Шоҳ Фазл жасорати орқали ифодалашга ҳаракат қилган.

Холиснинг “Зеваршоҳ ва Қусам ибн Аббос” асари ҳам ҳажман кичик бўлиб, жами 1167 мисра маснавийдан ташкил топган. Асарнинг турли номдаги қўлёзмалари халқ орасида талайгина бўлиб, воқеалар баёнида қисман фарқ кузатилади. Жумладан, “Қусам ибн Аббос” номли шеърини қўлёзма⁹ “Воқеаи муҳорабаи ҳазрат Шоҳизинда шаҳзода Қусам розияллоҳу анҳу” деган баён билан бошланган. Бунда шоҳ Қусам, Саъид ибн Усмон, Ҳузайма Самарқанд халқини мусулмон қилиш учун келганлиги, бутхонани масжидга айлантиришлари, Қусам ёлғиз ўзлари Самарқандга қолишлари баён этилиб, сўнгра саҳобалар ва Жарирнинг дин тарғиботи йўлидаги фаолияти бир қадар тилга олинган. Асарда Қусам ибн Аббос фаолияти Жарирнинг Туркистондаги тарғиботини бевосита давоми сифатида баҳоланган¹⁰. Шунинг учун ҳам баъзи қўлёзмалар “Қиссаи шоҳ Жарир ва Қусам ибн Аббос” номи остида берилган.

Ҳусайн тарихига бағишланган йирик ҳажмли “Имом Ҳасан ва имом Ҳусайн” асари эса, маснавийда ёзилган бўлиб, тахминан 15745 мисрани ташкил этади. Назмий баён таркибида – 518 мисра ғазал, 673 мисра марсия, 246 мисра муножот, 387 мисра мухаммас, қаҳрамонлар тилидан 2 та мусаддас ва ҳикоятлар келтирилган. Муаллиф тасвирни янада жонли кўрсатиш мақсадида ўз тилидан ғазаллар, мухаммаслар келтиради, қаҳрамонлар тилидан муножотлар ҳамда улар ўлими учун марсиялар, ҳасратномалар битади. Умуман олганда, Холис Тошкандий асарлари мавзуси хилма-хил бўлиб, аксариятида, ислом тарихининг Ўрта Осиё билан боғлиқ жиҳатлари қаламга олинган.

⁹ Мазкур қўлёзма тадқиқотчи олим Н.Абдулаҳатов шахсий фондида сақланмоқда. Қаранг: Ҳазиний юрти. Абдулаҳатов Н ва бошқ. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. –296 б.

¹⁰ Ҳайитбоев Э. Заркент ёхуд Фарғона водийси тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ, 2009. – Б.27-28

Тахминан 1826-1888 йилларда яшаб, ижод этган қиссанавис ва сўфий ижодкор Абдуқаюм Ваҳмий Марғилонийнинг ислом тарихини бадий ифодалаган кичик ҳажмли “Ҳафт ғазот” ва “Саййид Жаъфар Ғозий” номли назмий асарлари сақланиб қолган. Ижодкорнинг ҳазрат Али қахрамонлигини бадий ифодалаган “Ҳафт ғазот” номли достони тўлиқ етиб келмаган. Мавжуд қисмида, ҳазрат Алининг жасорати, унинг Аждар Дев билан олишуви қизиқарли тарзда тасвирланган. “Саййид Жаъфар Ғозий” асари эса, республика кўлэзма фондларида учрамайди. Кўлэзмани фақат шахсий кутубхоналарда учратиш мумкин¹¹. Тарихчи олим Н.Абдулаҳатов Абдуқаюм Ваҳмий “Саййид Жаъфар Ғозий” асарини халқ оғзаки ижодига асосланган Абулмухтафи аш-Шомийнинг “Жангномаи Саййид Баттол Ғозий” номли достонидан фойдаланган ҳолда ёзган, дейди¹². Дарҳақиқат, 2860 инвентарь рақами остида сақланаётган Абулмухтафи аш-Шомийнинг “Жангномаи Саййид Баттол Ғозий” туркий таржима достони билан Ваҳмий асари сюжетида умумийлик ҳолатлари кўзга ташланади. Бундан кўринадики, Абдуқаюм Ваҳмий ўз достонларини халқ орасида машҳур бўлган қиссалар таъсирида ёзган. Таъкидлаш лозимки, Қусам ибн Аббос, Жарир ибн Муҳаммад, ҳазрат Али, имом Ҳусайн, Саййид Баттол Ғозий каби тарихий шахслар билан боғлиқ объектлар бўлган: Самарқанд шаҳридаги Шоҳизинда зиёратгоҳи, Наманган вилоятига яқин жойда жойлашган Сафед Булон қабристони ёки Шоҳ Фозил мақбараси, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги Шоҳимардон мажмуаси, Тошкент ва Фарғона вилоятидаги Авлиё ота (Заркент) ҳамда Қашқадарё вилоятидаги Ҳазрати Султон тоғқадамжоларига¹³ нисбатан халқ орасида ҳурмат юқори бўлиб, бебаҳо маънавий-маданий мулк сифатида қадрланади. Бунинг натижасида, халқ орасида тарихий шахслар, саркардалар, авлиёлар ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ ривоятлар ниҳоятда кўп. Таҳлиллардан билиш мумкинки, муаллифлар зиёрат объектлари номи билан боғлиқ ривоятларга таянган ҳолда қисса ёзганликларини ўз асарлари дебочасида тилга олиб ўтганлар. Албатта, бу ҳол халқнинг ислом тарихидаги машҳур шахслар, дин тарғиботчилари, саркардалар, авлиё зотларга ҳурмати ва улар маънавий фаолиятига интилиш юқори бўлганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг учинчи фасли “*Халқ қиссаларида ислом тарихи воқеаларининг бадий ифодаси*” деб номланган. XVII аср охири – XIX аср бошларига келиб, қиссаларнинг янги қайтадан яратилиш даври бошланди. Бу даврда улар жарангдор назмий тус олиб, муаллифлашган ҳолда мумтоз ёзма адабиётимизга мансуб асарларга тенглашди¹⁴. Муаллифлар мумтоз асарлар сюжети ёки халқ орасида мавжуд ривоятлар асосида янги бадий ижод намуналарини юзага келтирдилар. Шунингдек, халқ орасидан чиққан ижодкорлар ҳам ўз номларини кўрсатмай, мавжуд ривоятлар асосида турли мавзуларда қиссалар яратдилар. Шу жиҳатдан, ислом тарихига оид воқеаларни

¹¹ Асар кўлэзмаси тадқиқотчи олим Н.Абдулаҳатов шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

¹² Абдулаҳатов Н. Абдуқаюм Ваҳмий Марғилонийнинг нодир мероси // Электрон ҳолда. 2021. – Б.5

¹³ Мазкур мажмуа тарихи асосида “Ҳазрати Султон тарихи” номли асар юзага келган. Қаранг: Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби // Нашрга тайёрловчи А.Чориев. – Т.: Шарқ, 1996. – 352 б

¹⁴ Бўриев Т. “Доробнома” достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2003, № 3. – Б.74

бадий ифодалаган қиссалар ҳам миллий адабиётимиз маҳсули сифатида майдонга келди. Қиссаларнинг аксарияти, араб, форс-тожик тилидаги асарлар таъсирида юзага келган бўлса-да, аммо сюжет ва воқелик баёни туркийзабон муаллифлар томонидан ижодий ёндашув асосида бадий талқин этилган ва ўзбек адабиётининг абадий мулки сифатида шаклланган. Жумладан, “Ҳикояти Ҳажжож ва имом Муҳаммад Боқир”, “Ҳикояти Амир Ҳамза”, “Ҳикояти имом Муҳаммад Ҳанифа” (ёки “Зайнулараб”), “Жангномаи ҳафт ғазоти ҳазрат Али”, “Жангномаи Саййид Баттол Ғозий”, “Жангномаи Зуфунун”, “Мусибатномаи туркий”, “Қиссаи имом Ҳусайн” каби асарларни тилга олиш мумкин. Халқ ижоди маҳсули сифатида юзага келган мазкур асарлар тасвирида кўпроқ фольклорга хос унсурлар етакчи аҳамият касб этган. Бинобарин, ислом тарихи ва тарихий шахслар фаолиятини у ёки бу жиҳатдан ёритган тарихий-жангнома қиссалар ўзбек адабиётида талайгина бўлиб, улар халқ эҳтиёжи сифатида майдонга келган. Халқ қиссаларида ислом тарихига оид воқеалар ва тарихий шахслар сиймоси халқ позициясидан туриб бадий талқин этилганлигини воқеалар тавсифидан билиш мумкин. Бу эса, қиссаларнинг ўқимишли чиқишини таъминлаш баробарида, халқ орасида кенг тарқалишига ва кўплаб нусхаларда кўчирилишига олиб келган. Албатта, уларнинг кўплаб нусхаларда учрашини халқ маънавий эҳтиёжи сифатида баҳолаш ва қабул қилиш ўринлидир.

Учинчи боб **“Ислом тарихига оид асарлар бадиияти”** деб номланиб, унинг биринчи фасли *“Тарихий воқелик ва бадий сюжет муносабати”* масаласига бағишланган. Ислом тарихи бадий ифодаланган асарлар, асосан, тарихий-жангнома характерида бўлиб, муайян шахс фаолиятини ифодалаш нуқтаи назаридан қисса жанрида ёзилган ва уларда кўпроқ халқ оғзаки ижодига хос тасвири кузатиш мумкин. Жанг воқеалари тасвирида эса, тарихий маълумотдан кўра, кўпроқ бадий тўқима етакчилик қилган. Шунингдек, мазкур руҳдаги асарларда аниқ макон, замон, реал тарихий воқелик ва тарихий шахслар номи, қисман, тақдири ва улар ҳаётидаги баъзи жиҳатлар сақланган. Бу маълумотларни беришда ижодкорлар мавжуд тарихий-диний манбаларга таянган ҳамда асарнинг маълум композиция ва сюжетини ҳам шу жиҳатдан туриб белгилаганлар. Бинобарин, қиссалардаги воқеа ва ҳодисаларнинг нисбатан илмий ҳамда муфассал баёни бошқа диний ва тарихий китобларда ўз ифодасини топганини инобатга олиш лозим¹⁵. Шу жиҳатдан, XVII-XIX асрларда юзага келган ислом тарихига оид воқеаларнинг асосида Уҳуд, Ҳайбар жанги ҳамда Карбало дашти воқеаларини бадий ифодалаш турган, шунингдек, тарихий шахслар бўлган: Амир Ҳамза, ҳазрат Али, Қусам ибн Аббос, Жарир ибн Муҳаммад, Ҳажжож ибн Юсуф, Муҳаммад Ҳанифа, Ҳасан ва Ҳусайн, Муҳаммад Боқир, Саййид Баттол Ғозий бош образ қилиб олинган. Мазкур шахсларнинг аксарияти ислом тарихида машҳур кишилар бўлиб, уларнинг баъзилари ислом динини ёйиш учун Ўрта Осиёга келган саркардалар ҳисобланади. Хусусан, Холис Тошкандий *“Шоҳ Жарир қиссаси”* воқеаларини

¹⁵ Ҳазрати Али ҳақида қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Рафиддинов. – Т.: Ёзувчи, 1992. – Б.4

баён этар экан, Макка, Мадина, Бағдод, Ироқ ҳамда Самарқанд, Фарғона, Наманган, Косон, Кува, Туркистон каби жой ва шахс номларини сақлаб қолган. Жанглар тасвири ва бу урушларда янги образларнинг асар сюжетиға олиб кирилиши бадий тўқима маҳсулидир. Бу каби бадий тўқималар кўпроқ Жарирнинг Ўрта Осиёдаги жанларида ва қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларида кўзга ташланади. Муаллифлар тасвирни содда ва халқона услубда бериш, тўқималардан кенг фойдаланиш орқали халқни ислом тарихидаги воқеалардан хабардор қилиш ҳамда бунинг натижасида, Муҳаммад (с.а.в.), саҳобаларга содиқлик маслагини ифодалаш, яхшилиқдан умидворликни кўзда тутган. Шу жиҳатдан, қиссаларда келтирилган тарихий воқеалардаги бадий тўқималарни, фантастик руҳдаги эпизодларни назардан қочирмаган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Жумладан, Уҳуд, Ҳайбар жанги ислом тарихида машҳур бўлиб, Қуръон ва бошқа китобларда ўз ифодасини топган¹⁶. Умуман олганда, ислом тарихидаги воқеаларнинг аҳамиятли, қизиқарли жиҳатлари олинган ва бадий тўқималар асосида бойитилган, шунингдек, ислом тарихидаги машҳур шахслар ҳамда уларнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти муаллиф дунёқараши, услуби, ёндашуви асосида асар сюжетиға олиб кирилиши қиссаларнинг янада қизиқарли ва ўқимишли чиқишини таъминлаган.

